Ушбу сонда:
2 ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
3 ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИ ЙИҒИЛИШИДА
4 «БАХТ»ДА САНЪАТ БАЙРАМИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 19 июн, сешанба №94 (1108)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲАМКОРЛИК ОРҚАЛИ ХАВФСИЗЛИК САРИ

Президент Ислом Каримов 14-15 июн кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) саммитида иштирок этди

Шанхай учрашуви саммитларнинг одатий хусусият ва табиатига хос бўлмаган йўсинда бошланди. Оммавий ахборот воситаларида у дастлаб «Шанхай бешлиги», «Шанхай форуми» ва «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»нинг саммити каби турлича номлар билан ёритилди. «Бешлик» номини «Шанхай форуми» деб ўзгартириш, унинг негизида «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»ни тузиш ҳақидаги гаплар, қолаверса, саммит дастури битилган мўъжаз китобчаю тайёрланган бошқа кўпгина қўлланма ва ахборотномаларда ҳали расман тузилиб улгурмаган ташкилотнинг номи бош саҳифаларга чиқарилгани қалам аҳлини бирмунча шошириб қўйди. Олти мамлакат раҳбари қатнашган учрашувни «бешлик саммити» деб бўлмас, айни пайтда мўлжалда турган, лекин ҳали қабул қилинмаган ном билан аташ ҳам ноўрин эди. Бироқ, учрашув арафасида ва саммит давомида ким қандай атамани ишлатган бўлмасин, расмий тадбирлар ниҳоясига етганда журналистлар қиёфасида елкадан тоғ ағдарилгандек кайфият зоҳир бўлди. Негаки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига расман асос солинди.

Бунинг бош ташаббускори эса Ўзбекистон эди.

Тарихга назар солайлик. 1996 йил тузилган «Шанхай бешлиги»нинг асосий вазифаси беш аъзо мамлакат (Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) ўртасида ўзаро чегарадош ҳудудларда ҳарбийлар сонини камайтириш, бунинг учун ўзаро ишонч ва суверенитет ҳурматини мустаҳкамлашдан иборат эди. Бу ният тез орада рўёбга чиқди. Энди иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамкорлик масалалари устуворлик касб эта бошлади. Чегарадош ҳудудлардан кўнгил тўқлиги, ўзаро ишонч ва ҳурмат мустаҳкамланганидан тўғри фойдаланмоқ керак эди. Шу боис 2000 йилнинг ёзида Душанбе саммитида ташкилотни «Шанхай форуми» деб аташ унинг имкониятларини кенгайтиришга йўл очиши таъкидланди. Ўша йиғилишда кузатувчи мақомида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашгани бежиз эмас. Евроосиёда улкан хавфсизлик ва ҳамкорлик зонасини вужудга келтиришга қаратилган мазкур уюшмага аъзо бўлишдан Ўзбекистон ҳам манфаатдор эди. Айниқса, бу улкан ҳудудда сиёсий ва иқтисодий қудрати, фан-техника ва юқори технология соҳасидаги ютуқлари, қолаверса, ҳарбий салоҳияти билан ажралиб турувчи Россия ва Хитой жойлашганлиги ўта муҳим аҳамият касб этади.

Тўғри, Ўзбекистон нисбатан илгарироқ ҳам бу тузилмага қўшилиши мумкин эди. Лекин мамлакатимизни бу борада қарор қабул қилишга шошилмасликка ундаган сабаблар бор. Маълумки, Ўзбекистон Президенти доим мамлакатимизнинг бирор ҳарбий ёки ҳарбий-сиёсий ташкилотга қўшилмаслигини айтиб келади. Чунки бу билан, ҳарбий иттифоқчи топиш эвазига бизга умуман ғарази бўлмаган давлатлар орасидан душман ҳам орттиришимиз қийин эмас. Шанхай ташкилоти борасидаги дастлабки андиша ҳам шундан келиб чиққан.

Ўзбекистон қўшилиши аъзо давлатлар томонидан тўла қўллаб-қувватлангач, мамлакатимиз янгидан тузилажак ташкилотнинг мақоми ва моҳиятини, мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш борасида ўз таклифларини билдирди. У ҳарбий ё ҳарбий-сиёсий ташкилот бўлмаслиги керак. Аксинча, ташкилотнинг мақсади кенг кўламли ҳамкорликдан иборат бўлмоғи лозим. Шу боис янги тузилма «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти», деб аталиб, декларациясида унинг ҳеч бир мамлакат ё ташкилотга қарши қўйилмагани, ҳатто қўшилишни истаган давлатлар учун очиқлиги алоҳида қайд этилишида ва Шанхай саммитида қабул қилинган барча ҳужжатлар нусхаси БМТга юборилишида Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги декларация ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция БМТнинг расмий ҳужжатлари сифатида бутун дунё давлатларига тарқатилади. Айтиш жоизки, ҳозирданоқ Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Мўғулистон Шанхай ташкилотига кириш истагини билдирди. Тузилмага қизиқишнинг катталиги унинг аҳамияти юксак эканлигидан ва самарадорлигидан далолат беради.

Шанхай саммити чоғида Ўзбекистоннинг янги ташкилотга қўшилиши катта воқеа бўлди. Марказий Осиёдаги барча давлатлар, шунингдек, минтақамиз хавфсизлигига таҳдиднинг асосий манбаи ҳисобланган Афғонистон билан бевосита чегарадош, айни пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан Марказий Осиёдаги хавфсизлик таянчи, деб эътироф этилган, нуфузи минтақа аҳолисининг ярмини ташкил этадиган Ўзбекистоннинг ШҲТга қўшилиши ташкилот учун катта ҳаётий эҳтиёжга айланган эди. Хитойда мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган алоҳида эътибор ва иззат-икром ҳам шундан далолат бериб турди.

Энди бевосита мамлакатимизнинг ШҲТга аъзоликдан кўзлаган мақсадига тўхталсак. Президентимиз таъкидлаганидек, бунда, аввало, Ватанимизнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш масаласи туради. Ислом Каримов бу мавзуда бот-бот гапирилган эса-да, унга мурожаат қилишдан чарчамаслигини, чунки хавфсизликни таъминламай туриб, тараққиётга эришиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлади. Хавфсизлик масаласи минтақамиз учун долзарблигича қолмоқда. ШҲТ сафида эса ҳарбий салоҳияти ғоят катта бўлган Россия ва Хитой бор. Улар БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларидир. Дунё миқёсидаги йирик масалаларни шу икки давлат аралашувисиз ечиш қийин. Шунингдек, ташкилотга аъзо барча давлатларнинг дарди ҳам бир хил. Уларнинг ҳаммасида хавфсизликка таҳдид соладиган муаммолар кўндаланг турибди. Олти мамлакатнинг давлат раҳбарлари бир жойга йиғилиб, янги ташкилот тузиш тўғрисидаги ҳужжат билан бирга, террор, экстремизм, айирмачилик ва шу каби бошқа иллатларга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияга имзо чекканининг бош сабаби ҳам мазкур муаммоларга муносабат бир хиллиги, мақсадлар муштараклигидадир.

Ўзбекистоннинг ШҲТга қўшилишдан кўзлаган иккинчи асосий мақсади кенг кўламли ҳамкорликдир. Масалан, Хитой ялпи ички маҳсулот ўсиши бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Неча йилдирки, мамлакатнинг бу борадаги кўрсаткичи 8-10 фоиздан пастлагани йўқ. Биргина Шанхайга оид рақамларнинг ўзиёқ мазкур мамлакат ҳақида етарли тасаввур беради: ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 455 миллиард юанни (1 АҚШ доллари тахминан 8 юанга тенг), экспорт-импорт 54 миллиард АҚШ долларини, жалб қилинган хорижий сармоя эса 6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 13 миллион киши яшайдиган шаҳар учун бу ғоят каттадир.

Шанхай саммити шуниси билан муҳим бўлдики, унда зикр этилган икки масала - хавфсизлик ва ҳамкорлик янги ташкилот фаолиятининг асосий тамойилига айлангани борасида якдил хулосага келинди. Бу «ҳамкорлик орқали хавфсизлик» деган жумлада акс этади. Террорчилар хуружи ё бошқа шунга ўхшаш таҳдид юз берса, ўзаро ёрдам ва маслаҳатлар учун ҳуқуқий асос борлиги ҳам шу тамойилга мосдир. Хуллас, ҳамкорлик қайси соҳага тегишли бўлишидан қатъи назар, алал-оқибат миллий ё минтақавий, шу билан бирга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий хавфсизлик мустаҳкамланишига олиб келади.

Ислом Каримов Шанхай саммитини тарихий воқеа, деб атади. Бошқа давлатлар раҳбарлари ҳам шу мазмунда фикр билдирди. Бунинг боиси, Шанхайда инсониятнинг тўртдан бир қисми яшайдиган улкан ҳудудда хавфсизлик ва ҳамкорлик зонаси яратишга қаратилган ташкилотга асос солинди. Чегарага оид масалаларга ечим топиш мақсадида таъсис этилган тузилманинг беш йилда шундай катта салоҳиятли бирлашмага айлангани Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг истиқболи порлоқ эканлигидан далолат беради.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Шанхай-Тошкент.



АРТУРНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Артур Григорян ўзининг 15 - жангида аргентиналик Альдо Назаряно Риосга қарши майдонга тушди. Профессионал рингда 30 та жанг ўтказиб, 29 тасида ғалаба қозонган лотин америкалик чарм қўлқоп устаси 31-жангини Артургa бой бергиси келмади. Ғалаба учун олиб борилган 12 раундлик оғир ва кескин жангда ҳамюртимиз Артур Григорян ғолиб чиқди ҳамда Жаҳон бокс ташкилоти (ВБО) йўналиши бўйича 15-марта жаҳон чемпиони бўлди.

(ЎзА).

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, барчангизни ғаллачиликда эришган катта меҳнат ғалабангиз - давлатга 224 минг 500 тонна ғалла ва 5 ярим минг тоннадан зиёд уруғлик дон сотиб, шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизлар бу йилги мураккаб иқлим шароитида вилоят бўйича ҳар гектар майдондан 33,5 центнердан ҳосил олиб, ўз ишингизнинг чинакам устаси, Сурхондарё деҳқончилик мактабининг лафзи ҳалол, миришкор вакиллари эканингизни яна бир бор намоён этдингиз.

Қалбида ўз Ватани ва халқига муҳаббат туйғуси жўш урган, бунёдкорликни ҳаёт мазмуни деб билган фидойи инсонларгина шундай улуғвор ишларга қодир бўлади.

Сурхон воҳаси ғаллакорларининг давлатга яна 15 минг тонна сара дон етказиб беришга азму қарор қилгани барчамизни қувонтиради.

Ишончим комилки, сиз, азиз сурхондарёликлар мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юксак натижаларга эришиб, Ватанимиз равнақи, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшасизлар.

Барчангизга ана шу эзгу мақсад йўлида янгидан-янги зафарлар, сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайман. Заҳматкаш қўлларингиз асло дард кўрмасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Тошкентда жорий йилнинг ноябр ойида Бразилияда шахмат бўйича эркаклар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг ҳудудий саралаш турнири ўз ниҳоясига етди. 12 нафар шахматчи 14 турда чемпионатга бериладиган иккита йўлланма учун ўзаро баҳс юритди.

Мусобақаларда 14 имкониятдан 10 очко тўплаган қозоғистонлик П.Кацура биринчи ўринни, ҳамюртимиз Шуҳрат Сафин 9,5 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Учинчи ўрин Саидали Йўлдошевга насиб этди.

Юртдошимиз Рустам Қосимжонов жаҳон чемпионатига махсус таклифнома олгани боис шахматчилар баҳсида иштирок этмади.

(ЎзА).

Болалар ёзи — катта имтиҳон

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бу йил ўзларига қарашли оромгоҳларда 28200 нафар болани соғ-ломлаштириш ва кўнгилли хордик чиқаришини режалаштирган.

ОРМГОҲ КУТУБХОНАСИ

Амалга оширилган кўплаб чора-тадбирлар, ўтказилган семинар-кенгашлар, қарорлар ижросини қатъий назорат қилиш натижасида дастлабки мақсадга тўла эришилди: барча оромгоҳлар белгиланган муддат — Хал-қаро болаларни ҳимоя қилиш кунида ўқувчиларни ўз бағрига олди.

— Бироқ бу - ишнинг бошланиши, холос, — дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлими мудири, оромгоҳлар фаолиятини ўрганиш ишчи гуруҳининг раҳбари Қодиржон Ризаев, — энг муҳими, оромгоҳларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш, ҳар бир масканнинг мавсум дастурлари мукаммал ўтказилишига эришишдан иборат. Бу эса, гуруҳимизнинг доимий ҳаракатда бўлишини тақозо этади.

Дарҳақиқат, ишчи гуруҳи вилоят ҳокимлигининг меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш ва мазмунли дам олишини ташкил этиш комиссияси билан жойларда бўлиб, тарбиявий ишларни олиб бориш, энг яхши тажрибаларни ўрганиб, бошқа масканларга ёймоқдалар. Избоскан туманидаги «Машъал» болалар оромгоҳида маънавият хонасининг иши айниқса, кўзга ташланиб турибди. Бу ерда уюштирилаётган барча мусобақалар, бадиий кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари ёш авлоднинг баркамол бўлиб етишишига хизмат қилади.

Оромгоҳ бой кутубхонага эга. Бир неча кекса педагог ўз шахсий кутубхоналарини ҳадя этганлар. Бу чиндан ҳам тарғиб қилишга муносиб ташаббусдир.

Гуруҳ аъзолари айрим оромгоҳларда ҳар хил муаммоларга дуч келмоқдалар. Масалан, Пахтаобод туманидаги Гагарин номли оромгоҳ ошхонасида идиш-товоқ етишмаётир. Шу тумандаги «Учкўза» оромгоҳида эса кўнгилочар тадбирларни ташкил этишда маънавият хонасининг ўрни сезилмайди. Ишчи гуруҳи оромгоҳ маъмуриятига идиш-товоқ топишда ёрдамлашди, «Учкўза»га эса «Маънавият хонаси»нинг фаол ҳаракатини таъминлаб берадиган тадбирларни тузишда кўмаклашди.

Гуруҳ ўз фаолиятини қизғин давом эттирмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Жиззах шаҳридаги 36-«Эртак» болалар боғчасида ҳайдовчи бўлиб дурустгина ишлаб келаётган Равшан Аҳмедовни «штат қисқариши муносабати билан», дея мудира вазифасини вақтинчалик бажариб турган Холбуви Ғофурова шу йилнинг 20 мартида ишдан бўшатди.

Бунда боғча мудираси қонунсизликка йўл қўйди. Негаки, жорий йилнинг 9 февралида тасдиқланган штат бирлиги жадвалида ҳайдовчилик вазифаси ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирда ҳам амалда эди.

Қонуний ҳақ-ҳуқуқини талаб этиб, ўз ишига қайта тикланишини сўраб вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилди. Қўмита боғча мудираси номига Р.Аҳмедовни Меҳнат кодексининг 100, 101, 102, 107, 108, 110-моддаларига зид равишда ишдан бўшатилгани учун уни вазифасига тиклаб, мажбурий бекор юрган кунлари учун ўртача иш ҳақини тўлаш лозимлиги ҳақида тақдимнома киритди. Лекин ушбу қонуний талаб мудира томонидан турли хил баҳоналар билан бажарилмасдан келди.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши аралашувидан сўнг ҳақиқат қарор топди. Р.Аҳмедовни 36-«Эртак» болалар боғчаси мудираси Х.Ғофурова 1 июндан бошлаб ўз вазифасига тиклаб, 20 мартдаги буйруғини бекор қилишга мажбур бўлди. Боғча ҳайдовчисига эса мажбурий бекор юрган кунларига ўртача ойлик маошини қуртдек санаб беришга мажбур бўлишди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

Хонқа тумани

Ташаббус сўнмасин!

Ҳиссадорлик жамияти маъмуриятининг касаба уюшма қўмитаси билан имзолаган жамоа шартномасида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилди. Айни пайтда жамиятда 400 нафар касаба уюшма аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 72 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Ҳеч бир байрам йўққи, аёллар ардоқланиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмаса.



Моможон ая Абдуллаева Хонқа туманидаги энг кекса педагоглардан ҳисобланади. У 42 йил ўқитувчилик қилган. Бугунги кунда ая кексалик гаштини сурмоқда.

Суратда: туман касаба уюшма фаоллари табаррук инсон ҳузурида.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БОҒЧАДА БЕПУЛ ТАРБИЯЛАНИШАДИ

Касаба уюшма қўмитаси айниқса кўп болали оилаларга жиддий эътибор қаратмоқда. Шу боис ҳам барча тадбирларда уларнинг иштирокига эришилмоқда. Хусусан, бу март-апрел ойларида ўтказилган кўкаламзорлаштириш икки ойлигида ўз самарасини берди. Жамият ҳудудида, унга тегишли боғда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Зеро, Орол ҳудудида яшаётган вилоятимиз аҳолиси учун кўкаламзорлаштириш ниҳоятда муҳимлигини ишчи-хизматчиларимиз яхши тушунишади, улар ҳар бир туп дарахтни авайлаб-асрашга ҳаракат қилишаётир.

Иш тўғри ташкил этилганлиги ишчи-хизматчиларда мулкка эгалик ҳиссини кучайтирди. Ҳозир ишдан кечикиш ҳолларига барҳам берилган. Шунинг учун ҳам бу ерда меҳнат самарадорлиги ортиб бормоқда. Юқоридаги соғлом муҳитни эътиборга олиб касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб ҳиссадорлик жамияти аъзолари ойлик маошларини 30 фоиз миқдорида оширдик. Ҳозирги кунда ўртача ойлик маошимиз 28 минг сўмданга тўғри келмоқда.

Ишловчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш борасида ҳам анча ишлар амалга оширилди. Хусусан, дам олиш хоналари, бассейн ва сауна улар ихтиёрида. Соғломлаштириш маркази замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Малакали шифокор ва ҳамширалар ишчи-хизматчиларнинг соғлигини муҳофаза қилиб келмоқда. Дарвоқе, яқинда аёлларимизнинг барчасини тиббий кўрикдан ўтказдик. Хасталанган аёлларга бепул дори-дармон олиб беришни йўлга қўйяпмиз. Жамият аъзоларидан 4 нафарига сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди, 60 нафар болалар оромгоҳларга жойлаштирилди.

Ишчи-хизматчиларнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус автобус хизмат кўрсатмоқда. Касаба уюшма қўмитасининг умумий йиғилиши қарори билан Оналар ва болалар йилида жамият аъзоларининг болалари боғча-яслида бепул тарбияланадиган бўлдилар. Бу — касаба уюшмалари ва жамият раҳбарларининг аёллар меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган тадбирларидан биридир. Шу мақсадлар учун маъмурият томонидан ой сайин зарур маблағ ажратилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида маъмурият томонидан 26 нафар, касаба уюшмаси томонидан 11 нафар кўп болали ишчи-хизматчилар моддий рағбатлантирилди.

И. МАТНИЁЗОВ,
«Хонқа дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти ишчиси.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Хонқа деҳқончилик маданияти тараққий этган илғор туманлардан бири. Қишлоқ хўжалигида оилавий пудрат усули вилоят бўйича дастлаб шу ерда бошланган. Мустақиллик йилларида туманда катта ўзгаришлар юз берди.

— Турғунлик йиллари, - деб ҳикоя қилади туман ҳокими К.Ортиқов. - одамларда ташаббускорлик етишмасди. Ҳозир эса улар соғлом фикрлашга, жўшиб ишлашга одатланганини кўриб қувонаман. Касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнат аҳли саломатлигини яхшилаш, уларга қулай иш шароитлари ва янги иш ўринлари яратиб бериш биринчи галдаги вазифамиздир. Бу борада қатор ибратли ишларни амалга оширяпмиз.

Бунга бир неча мисоллар келтирсам. Туманимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган «Хонқа-Шуя» чет эл технологияси асосида экологик жиҳатдан тоза шарбатлар тайёрлайдиган «Мева» қўшма корхонаси барпо этилди. Бугунги кунда мазкур жамоа аъзоларининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Йирик давлат корхоналарининг ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиши ўз самарасини бермоқда. Энг аввало, мулкка бўлган муносабат ўзгарди. Иқтисодий кўрсаткичлар ҳам юқори бўлмоқда. «Хонқа дон маҳсулотлари», пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларида ишчи ва хизматчилар маошларидан ташқари, чиқарилган ҳар бир акция учун мўмайгина фойда олишяпти. Ширкат хўжаликларининг аъзолари ҳам пай улуши олаётгани иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.

Мустақиллик шарофати билан туманимизда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқида юрган ҳунарманду косибларга кенг имкониятлар яратилди. Шунинг натижаси ўлароқ кейинги йилларда бизда ҳам ўнлаб кичик корхоналар, фирмалар ташкил этилди. Минглаб кишилар ишли бўлди. Хусусий корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. «Йилнинг энг яхши фермери, энг яхши ҳунарманду тадбиркори»ни аниқлаш мақсадида кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланди.

Меҳнат ва рағбат

ҲАЁТ ЧАҚИРАДИ МЕНИ ЁНИГА

— Ижтимоий соҳадаги ўзгаришларга ҳам тўхталсангиз.

— Энг аввало, ёшларимизнинг пухта билим олиши, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, моддий кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам бериш каби долзарб масалалар ўз вақтида ечимини топмоқда.

Тиббиёт соҳасига тўхталадиган бўлсак, туман марказий шифохонаси бўлимлари қайта таъмирланиб, замонавий тиббиёт анжомлари билан тўлиқ таъминланди. Тез тиббий хизмат кўрсатиш тизими яхшиланмоқда. Замонавий лойиҳалар асосида қурилаётган туғруқхона мажмуининг биринчи навбати ишга туширилди.

Туманимиз ҳудудида жойлашган «Хонқа» ва «Автомобилчи» сиҳатгоҳларида халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган кишиларнинг дам олиши, саломатликларини мустаҳкамлашларига йил сайин эътибор кучаймоқда. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрами арафасида барча қулайликларга эга яна битта сиҳатгоҳ фойдаланишга топширилади. Бу хонқалик бунёдкорларнинг «Оналар ва болалар» йилида аёлларга, фарзандларимизга муносиб туҳфаси бўлади.

Таълим-тарбия жараёнини яхшилаш, ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласига ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Ўтган ўн йил мобайнида бир неча илм даргоҳи, касб-ҳунар коллежи қуриб битказилди ва ёшларимиз ихтиёрига берилди. Бу чиройли, муҳташам биноларда толиби илмлар нафақат таълим-тарбия оладилар, шу билан бирга ҳунар ўрганадилар.

Янги ўқув йили арафасида Хонқа шаҳарчасида яна битта коллеж, Қирқёп қишлоғида янги мактаб биноси қурилиши тугалланади. Имкониятларимизнинг кенгайиши кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишимизда ҳам қўл келмоқда.

— Меҳнаткашларнинг маданий дам олиши, ижтимоий муҳофазаси борасида қандай ишлар амалга оширилянти?

— Жисмонан баркамол ёшларни тарбиялашда оммавий спорт ўйинлари муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда туман марказидаги ўйингоҳ замон талабларига мос равишда таъмирланди. 3 та жойда теннис корти барпо этилди. Футбол жамоамиз шуҳратини ошириш чораларини кўряпмиз.

Туман марказидаги Ҳ.Болтаев номли дам олиш маскани нафақат ёшларнинг, балки барчанинг севимли жойига айланган. Меҳнаткашларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, умумий майдони 15 гектардан иборат яна битта дам олиш маскани — сўлим боғ ҳашар йўли билан қурилмоқда.

Инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан устун. Эл эъзозлаган, юртимиз тинчлиги учун жонини фидо қилган инсонлар хотирасини абадийлаштириш кўп савоб иш. Байрамларда, хотира кунларида қишлоқлар, туман марказида ёшларни оталаримиз, момоларимиз жасоратини эъзозлашга, эл-юрт, Ватанга садоқатли бўлишга ундовчи тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда. Шунингдек, Хонқа ва ўлкамиз тарихига оид рисолалар нашрдан чиқарилди.

Савоб олаётган инсонлар ҳақида гап кетганда, навхослик фермер Машариф Қаландаров ҳимматига алоҳида тўхталиш жоиз. У вилоят болалар шифохонасини таъмирлашга 300 минг сўм, туман касалхонасига 100 минг сўм маблағ ўтказди. Бизда кўпнинг дуосини олаётган бундай инсонлар оз эмас.

Хонқаликлар замонамизга шукроналар айтиб яшаётганларининг яна бир сабаби, Юртбошимиз воҳамизнинг мураккаб шароитини ҳисобга олиб, хоразмлик ва қорақалпоғистонликларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан дўстона ёрдам юборилаётгани ҳам кўнглимизни тоғдек кўтарди. Ўзимиз ҳам астойдил меҳнат қилаяпмиз. Ҳозир ҳар бир хонқаликнинг ўз томорқа ери, боғу роғи бор. Буғдойзорларимиз таърифига сўз ожиз. Шахсий иморатлар қуришда имтиёзлардан фойдаланаяпмиз. Шундай экан, хонқаликлар шукроналар айтиб ишламоқдалар.

Суҳбатдош: Э.ЭРМАТОВ.

Миннатдорчилик

БОШИМИЗ КЎККА ЕТДИ

Фарзанд ширин. 1987 йилда Ихтиёр, кейин Дониёр исмли фарзандларимиз дунёга келди. Қисмат экан, улар ногирон бўлиб туғилдилар. Бироқ қалблари ўксик болаларимиз тақдири эътибордан четда қолмаётганидан мамнунмиз. Айниқса, вилоят ҳокимлиги томонидан уларга аравача совға қилинганда, нафақат болаларимиз, балки бизнинг ҳам бошимиз кўкка етди.

Бундай ғамхўрликлар мустақиллигимиз шарофатидандир. Буни чин дилдан ҳис қилган ҳолда ҳукуматимиз, меҳр-оқибатли кишиларга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

О.ИСОҚОВ,
1-механизациялашган кўчма жамланма тракторчиси.

ТАЪЗИМ

Собир билан турмуш қурганимизга қарийб ярим асрдан ошди. Аниқроғи, биз бир-биримизни иккинчи жаҳон урушида — фронтда учратганмиз. Тақдир тақозоси экан, Хонқада яшаяпман. Ўтган йиллар мобайнида фарзандларимизни уйли-жойли қилдик. Невараларимиз бир этак. Улардан бири — Анатолийнинг оёғи оғриб хасталангач, шифокорларга мурожаат қилдик. Улар касалликка осемиолит, деб таш-ҳис қўйдилар. Жигарбандимизнинг аҳволини кўрган кишининг юраги ачишарди. Чунки унинг қимирлашга, ҳатто овқат ейишга мадори етмасди.

Ана шундай пайтда яхши одамлар, хусусан, туман марказий шифохонаси врачлари, 5-маҳалла фаоллари, 36-умумтаълим мактаби ўқитувчилари ва ўқувчилари неварамизнинг соғайиб кетиши учун елиб-югуриб, қайғуришди. Моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, Тошкентга йўллашди. Унинг дардига ана шу ерда малҳам топилди.

Ҳозир неварамизнинг соғлиғи яхши. 36-мактабнинг 9-синфини битказди. Биз юқорида номлари зикр этилганларга чин қалбимиздан ташаккур изҳор этамиз.

С.РАЖАБОВ,
М.РАЖАБОВА,
уруш ва меҳнат фахрийлари.

Файзли оқшомлар

Иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз яшовчилар ва ногиронларга ёрдам бериш хўжалигимиз бошқаруви ва касаба уюшма қўмитасининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу ишларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш эса қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлардан олинадиган даромадга боғлиқ.

ИШДАН СЎНГ МАДАНИЯТ САРОЙИГА

Ана шу даромадлар эвазига меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш каби қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Жумладан, шу йил 40 нафар ширкат аъзоси Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатга бориб келишди. Сарф-харажатлар хўжалик ҳисобидан қопланди.

Шунингдек, 2001 йилнинг ўтган даври мобайнида 16 нафар ширкат аъзоси сиҳатгоҳ ва профилакторийларда саломатликларини тиклаб қайтди. Унга хўжалик маблағ ажратиб, йўлланмалар бепул берилди. Наврўз байрами муносабати билан ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга 338,8 минг, касаба уюшма маблағидан 62400 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан 29 нафар уруш қатнашчисига қимматбаҳо совғалар топширилди. Дала ишларида жонбозлик кўрсатган механизаторлар ва ширкат аъзолари 430 минг сўмлик мукофот олдилар.

Айни пайтда 600 ўринли маданият саройи, 8 та кутубхона, 12 та дўкон, 1 та врачлик, 5 та акушерлик маскани, кўплаб сартарошхона ва этикдўзлик устахоналари ишлаб турибди.

Ширкатимиз меҳнат аҳли барча соҳаларда зиммадаги вазифаларни пешма-пеш амалга ошира бориб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига муносиб совғалар ҳозирлаяпти.

Б.МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон» ширкат хўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси.

ЁШЛАР ЎЗ ЎРИНЛАРИНИ ТОПИШДИ

Айни пайтда вилоятимизда ишсизликка барҳам бериш учун кўпгина саъй - ҳаракатлар қилиняпти. Буни биргина бизнинг туманимиз мисолида кўрадиган бўлсак, ўтган йили 1826 нафар ишсиз рўйхатга олинган, айни пайтда бу рақам 1005 нафарга тушди. Бунга асосан кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юрти ҳамда коллежларнинг қурилиб, ишга туширилиши натижасида эришмоқдамиз.

Кўп болали оила бошлиқларини, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ҳамда ногиронларни туман ҳокимининг қарорига биноан биринчи навбатда ишга жойлаяпмиз, айримларини жамоат ишларига жалб этяпмиз. Қайта ўқитиб, касб эгаси қилмоқдамиз. Иш билан таъминлашнинг иложи бўлмаганларига нафақа тўлаяпмиз. Буларни амалга оширишда 10 та қишлоқ фуқаролар йиғинида 12 нафар меҳнат нозирларимиз фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан йил охиригача яна 500 нафар киши иш билан таъминланади.

Р.ЁҚУБОВ.

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ЯХШИ, ҲАҚИНИ ТЎЛАШЧИ?

Туман прокуратураси умумий назорат тартибида газ ва электр энергиясидан фойдаланиш учун тўловларнинг ундирилиши юзасидан текшириш ўтказди.

Туман газлаштириш корхонаси томонидан Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигида ўтказилган текширишларда ўзбошимчалик билан қурилиб, газ тармоғига уланган бир қатор иссиқхоналар мавжудлиги аниқланди. Хусусан ушбу идоранинг участка инспекторлари ўз вазифаларига лоқайдлик билан қараётганликлари, оқибатда айрим фуқаролар ўз томорқаларининг бир қисмига иссиқхоналар қуриб, уларни ўзбошимчалик билан газ тармоғига улаганликлари, баъзи хонадон эгалари эса газ ҳақларини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаганликлари ошкор бўлиб қолди. Мазкур ширкат хўжалигида 39 та хонадон эгаси ана шундай ўзбошимчалик билан шуғулланган. Уларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди ва тегишли жазога тортилдилар.

Туманда яшовчи 41 та хонадон эгалари 2000 ва 2001 йилнинг ўтган даври мобайнида газдан мунтазам равишда фойдаланиб келишсада, бир неча бор огоҳлантирилган бўлишларига қарамай, газ ҳақини тўламаганлар. Ушбу ҳолат юзасидан юқоридаги фуқаролардан газлаштириш корхонаси фойдасига 1.346.000 сўмлик моддий зарарни ундириш мақсадида даъво аризалари киритилди ҳамда етказилган зарар ундириб олинди.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Туман электр тармоқлари корхонасида текшириш ўтказилганида, абонент бўлими бошлиғи Ўктам Абдураҳмонов томонидан тумандаги «Хонқа-Автомобилчи» санаторийси, «Маяк» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, қишлоқ ичимлик сув таъминоти корхонаси ва Хонқа туман ҳокимлиги хўжалик ишлари бўлимининг 1355,0 минг сўмлик дебитор қарзларини ўз вақтида ундириш чоралари кўрилмаганлиги маълум бўлди. Ў.Абдираҳмоновга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди.

Фуқаролар Ш.Қиличев ва Б.Бобожоновлар ўз уйларида электр ҳисоблагич ўрнатмасдан, тегишли тартибда рухсатнома олмаган ҳолда, ноқонуний равишда электр энергиясидан фойдаланиб келганликлари оқибатида туман электр тармоқлари корхонасига жами 12069 сўмлик зарар етказилган. Бу зарар юқорида номлари қайд этилган шахслардан ундириб олинди.

«Ҳисобли дўст айрилмас» деган яхши мақол бор. Электр қуввати ва табиий газдан фойдаланувчи фуқаролар ушбу ҳаётий фалсафани бир муддатга бўлсада, унутмасликлари керак. Ана шундагина уларнинг юзи шувит бўлиб қолмайди.

Ш.АБДАЛНИЁЗОВ,
Хонқа тумани прокурори.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати йиғилишида

БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ УНУТИЛГАЧ

«Чинобод» аҳолига санитария курорт хизмати кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, нодир, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш ва уларни синовдан ўтказиш, янги даволаш усулларини амалиётга жорий этиш бўйича Курортлар бошқармаси тизимидаги санаторийлар учун марказий-ўқув сиҳатгоҳи ҳисобланади.

У 450 ўринга мўлжалланган бўлиб, асосий даволаш муолажаларидан бири 1600 метр чуқурликдан олинадиган хлорид сульфатли, гидрокарбонатли натрий таркибига эга бўлган 48-50 даража ҳароратли маъданли сувдир. Бундан ташқари, шифобахш балчиқ, парафин, турли частотали электр токлари, лазер, инфрақизил, ультрабинафша нурлари билан даволаш сиҳатгоҳнинг ўзига хос томонларидир.

Сўнгги йилларда бу ерда муайян ишлар амалга оширилди. 24 хилдан ортиқ 43 та физиотерапевтик аппаратлар келтириб ўрнатилди. Замонавий минерал сув ичиш мажмуаси, 2 та коттедж қурилиб ишга туширилди.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатдики, меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш, даволаш ишларини ташкил этиш, дам олувчиларга маданий-маиший шароитлар яратишда жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Аввало катта маблағ сарфлаб келтирилган тиббий асбобларнинг баъзиларидан фойдаланилмаяпти. Кўпгина жойларда Япония маҳсулоти бўлмиш гастрофиброскопия хусусида орзу қилишади. Лекин мазкур санаторийда шу нодир тиббий асбоб негадир чанг босиб ётибди. Дам олувчилар жойлашган қатор биноларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмас. Хусусан, қаердадир душ ва ўта зарур нуқталар ишламайди. Равшанки, «Оналар ва болалар йили» муносабати билан Федерация Кенгаши тасарруфидаги аксарият сиҳатгоҳларда ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. «Чинобод»да эса негадир бунинг акси. Жумладан, «Она ва бола» бўлими таъмирга жуда муҳтож, айвон ва йўлкаларда ҳатто ёритгичлар йўқ, радио нуқталар анчадан буён орзу бўлиб келяпти. Бу оналарнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Санаторийга келган ҳар бир аёл гинеколог кўригидан ўтиши шарт бўлгани ҳолда негадир бунга эришилмаган. Касаллик тарихида ташҳис, буюрилган муолажалар ва текширишлар қайсидир ўринларда асосланмаган. Кундаликлар баъзида бешетти кунда бир марта ёзилади. Бу даволовчи шифокор беморни ҳафтада бир марта кўрикдан ўтказади, деган гап. Ўзаро суҳбат чоғида кундалик оддий тадбир ҳисобланган касалларнинг тана ҳароратини ўлчаш унутиб қўйилганлиги, беморларга ташҳис қўювчи ноёб аппаратлардан фойдаланишда қонундан четга чиқиш ҳоллари мавжудлиги аниқланди. Масалан, ЭКГ назоратидан ўтказилган 115 кишидан 58 нафарининг умуман санаторийга алоқаси йўқ экан...

Сиҳатгоҳда ҳатто Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талабларини қўпол равишда бузишгача борилган. 2000 йилда йўлланмалар сотиш режаси 94,8 фоизга бажарилган. Озиқ-овқатлар, даволаш муолажалари, қолаверса, дори-дармонлардан иқтисод қилишга киришилган. Ваҳоланки, бундай қилиш қатъиян ман этилади. Мавжуд ошхонада озиқ-овқатлар берилишида белгиланган меъёрларга кўп ҳолларда амал қилинмайди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш юзасидан улуғвор ишлар амалга оширилмоқда ва у ўзининг қувончли натижаларини бермоқда. Бахтга қарши, «Чинобод»дагилар бу муҳим ишга панжа орасидан қараб келдилар. Аксарият тадбирлар бажарилмай, қоғозда қолмоқда. Санаторийда жисмоний тарбия ишларига масъул шахс бўла туриб, ҳатто эрталабки бадантарбия машқлари ҳам ўтказилмаган. Тахминан 30 кишилик зал бўлсада, ундан негадир фойдаланилмайди. Ёзги кинозал ачинарли аҳволда. Деворлари кўчиб, поллари чириган. Яқин ўртада бу ерга бирон киши қадам ранжида қилмаган.

Маданий-маърифий ишлар ҳам давр талабларига жавоб бермайди. Бу ерда ободонлаштириш, биноларни безаш юзасидан тадбирлар белгиланган бўлса-да, улар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаётганлиги боис, бажарилмай қоғозда қолиб келмоқда. Дам олувчилар ҳақли эътироз билдиришмоқда: сиҳатгоҳ ҳудудида ётоқ бинолари, маданий-маиший ва спорт иншоотларини билдирадиган кўрсаткичлар йўқ. Бунинг натижасида даволанувчилар сўраб-суриштириб, диққат бўлиб, ўзларига керакли иншоотларни топишга мажбур бўлишмоқда. Бу ерда клуб борлигини кўпчилик билмайди ҳам. Сабаби, у ошхонанинг иккинчи қаватида жойлашган бўлиб, мутасаддилар томонидан лозим даражада тушунтирилмаган. Бунинг устига клубнинг томидан чакка ўтади.

Ҳар бир жамоада ишнинг муваффақияти, белгиланган тадбирларнинг қай даражада амалга оширилиши унинг раҳбари — салоҳияти, билими, ташкилотчилигига, қолаверса, бурч масъулиятини ҳис қилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. «Чинобод» санаторийси бош шифокори Н.Зуфаров сўнгги йилларда эришилаётган натижалар билан кифояланиб қолди. Айрим ўринларда ўзига ортиқча баҳо берди, унда калондимоғлик, кибр-ҳаво пайдо бўлди. Боз устига, у раҳбар сифатида огоҳликни унутди, сиҳатгоҳга бегона кишиларнинг кириб-чиқиб юришлари, дам олувчиларнинг эътирозига сабаб бўлган, оромини бузган хатти-ҳаракатларига барҳам бериш ҳақида жиддий қайғурмади. Бош шифокор меҳнат қонунчилигини қўпол равишда бузиб, баъзи ходимларни ноҳақ ишдан бўшатган ҳолатлар мавжуд. Булар ҳам майли-я, санаторий ҳудудининг дахлсизлиги билан боғлиқ камчиликлар ҳам ўзибўларчилик, «Мен раҳбарман, менки тўғри» қабилида иш юритиш оқибатидир. Бўлмасам, даволаниш ва ётоқ биноларидан ташқари 22 та ҳеч қандай асоссиз участкалар қурилишига йўл қўйилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Боз устига, бош шифокор ўз вазифасини суиистеъмол қилган. Унинг ҳотамтойлиги билан Иштихон туманилик икки киши люкс хонада 18 кун тўла даволаниб, кўнгилли дам олган. Лекин бунинг учун шу кунга қадар унинг пули тўланмаган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган раёсати йиғилишида бош шифокор фаолияти, дам олувчиларга шарт-шароитлар яратишдаги жиддий камчиликлар, ўзибўларчилик ҳолатлари ва унинг оқибатлари адолатли тарзда қаттиқ танқид остига олинди. Раёсат йиғилиши қарори билан ишда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун «Чинобод» санаторийси бош шифокори Н.Зуфаров вазифасидан озод этилди.

М.ҚАЮМОВ.



«ТОШКЕНТ ОПЕН» ТААССУРОТЛАРИ

Sanex WTA tour «Тошкент опен» олтинчи халқаро аёллар теннис турнири кутилмаган воқеаларга бойлиги билан барча иштирокчилар ва меҳмонлар ёдида қолади

Биринчи босқичдаёқ жаҳон рейтингида 36-ўринни эгаллаб турган россиялик теннисчи Татьяна Панова 115- ўриндаги немис теннисчиси Анке Барнага ютқазиб қўйди.

Швейцариялик теннисчи Мария-Гаяне Микаэлян зафар қозониб, ярим финалга чиқди ва германиялик Бьянка Ламаде билан учрашди. Аммо бу ерда Микаэлян муваффақиятсизликка учради. Бьянка Ламаде ғалаба қозонди ва финалга чиқди.

Турнирнинг учинчи сенсацияси ўзбекистонлик спортчи, «Тошкент опен»нинг ўтган йилги ғолиби Ирода Тўлаганованинг мағлубияти бўлди. Аввалги икки учрашувда ишонарли ғалабага эришиб, Ирода Тўлаганова испаниялик Кристина Валеро Торренсга ютқазиб қўйди.

- Ирода қанчалик ҳаяжонланганини ҳамма сезган бўлса керак,-деди ўйиндан кейинги матбуот анжуманида Кристина Валеро Торренс. - Бунинг сабаби тушунарли, у турнирнинг ўтган йилги ғолиби сифатида бу йил ҳам ғалаба қозонмоқчи эди. Ҳаяжон эса спортда доим панд беради. Бу йил Ирода учун жуда муваффақиятли бўлганини биламан. Бу мағлубиятни фақат унинг ҳаяжони ва менинг «Тошкент опен» бош совринини қўлга киритишга бўлган кучли иштиёқим билан изоҳлайман.



Бироқ Кристина Валеро Торренснинг орзуси ушалмай қолди. Ярим финалда у нидерландиялик Зеда Нурландерга ютқазиб қўйди.

Зеда Нурландер ва германиялик Бьянка Ламаде учрашган «Тошкент опен» финали қизғин курашга бой бўлди, томошабинлар спортчиларнинг иродаси ва ғалабага бўлган кучли интилишининг гувоҳи бўлди.

Биринчи сетни 6/3 ҳисобида Бьянка ютди, аммо унинг кучи тугаб бораётгандек туюлди. Иккинчи сет буни тасдиқлади - уни Бьянка 2/6 ҳисобида бой берди. Учинчи сетнинг биринчи гейми ўйинда ҳал қилувчи бўлди ва буни ҳамма сезди. Унда Ламаде ғалаба қозонди. Теннисчилар юксак маҳорат намойиш этган қизғин курашдан сўнг бу сет 6/2 ҳисобида якунланди. 8-гейм сетнинг энг юқори нуқтасига айланди. Нурландер томонидан берилган зарбадан сўнг тўп орқа чизиқдан ўтиб кетди ва Бьянка ғолиб эканлигини англаб етиб шодликдан сакрай бошлади.

- «Тошкент опен» ғолиби бўлганимдан қанчалар бахтиёр эканимни сўз билан изоҳ қилолмайман,- деди матбуот анжуманида Бьянка Ламаде. Бу менинг йирик мусобақалардаги биринчи ғалабам ва мен унга халқаро теннис турнирлари билан жаҳонда машҳур меҳмондўст мамлакатингизда эришганимдан хурсандман.

Турнир ташкилотчиларидан бири Сассон Какшури «Тошкент опен» финали қатнашчилар юксак маҳоратининг яна бир намойишига айланганини таъкидлади. Улар теннис ишқибозларига ёрқин ва қизиқарли ўйинларни тақдим этди. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ҳакамларнинг холис ва адолатли бўлгани жаҳон теннис ҳамжамиятида Тошкент турнирининг янада юқори рейтингга эга бўлишига кўмак беради.

Анъанага кўра, турнир ғолибаси германиялик Бьянка Ламаде, иккинчи ўрин соҳибаси нидерландиялик Зеда Нурландер ва супервайзер Энжи Вукоккга йиғилганларнинг қарсаклари остида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Шоабдураҳмонов миллий кийимлар совға қилди.

- Тошкентга 22 мамлакатдан келган турнир қатнашчилари номидан мусобақаларнинг юқори ташкилий савияси учун мамлакатингиз Президенти, шунингдек, жаноб Сассон Какшурига, Тошкент шаҳар ҳокимлигига миннатдорлик билдираман,- деди Энжи Вукокк. - Ҳаммамиз энг гўзал таассуротлар билан кетмоқдамиз ва ҳар биримиз шаҳрингизга яна келишдан ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.

Турнир ғолибасини мукофотлашда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мартин Хеккер иштирок этди.

- Энг нуфузли теннис турнирларидан бирининг ғолиби бўлган Бьянка Ламаде учун жуда хурсандман,- деди элчи. - Фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, мамлакатингизда ўтган саккиз ойлик фаолиятим давомида давлатингиз раҳбари спортни, хусусан теннисни ривожлантиришга катта эътибор бераётганининг гувоҳи бўлдим. Зеро, спорт - энг ишончли тинчлик элчиси.

(ЎзА).

ТАНЛОВ АСОСИДА

Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Балиқчи акционерлик жамиятига фақат танлов асосида ишга олишади. Бундай талабгорликнинг сири шундаки, корхонада йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда, демакки ишчиларнинг ойлик маоши ҳам юқори. Қишлоқ ҳудудида жойлашган корхона ўтган йилни 53,7 миллион сўм даромад билан якунлади. Корхона раҳбарияти шундан 356 минг сўмни ишчиларнинг саломатлигини тиклаш ва дам олишига йўналтирди. Иссиқ овқатга - 1,7 миллион сўм, аёлларни ижтимой ҳимоялашга - 636 минг сўм ажратилди.



ҒОЛИБЛАРГА

телевизор ва рағбатлантирувчи мукофот

Қумқўрғон туман С.Бойматов номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ғаллакорлари давлат буюртмасини бажардилар.

Мавсум бошида белгиланган тадбирга мувофиқ, энг юқори ҳосил олган оилавий пудратчига рангли «DAEWOO» телевизори ва Тошкент шаҳридаги сиҳатгоҳлардан бирига бепул йўлланма берилди. Ҳосилни тоза ва сифатли ўрган комбайнчини 50 минг сўм нақд пул ҳамда мавсумнинг илғор иштирокчиларини 50 та рағбатлантирувчи мукофотлар кутмоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Рейд

АНҲОР ЁНИДА МОЛХОНА...

Инсон ҳамиша табиат оғушида яшайди. Зеро, у ўзининг меҳнату-заҳматлари, қувончу-ташвишларини табиатдан ташқарида туриб тасаввур қилолмайди. Шунинг учун ҳам умр бўйи ўзи яшаётган, нафас олаётган ҳудудни гулларга буркаш, яшнатиш, боғ-роғлар, яшил хиёбонлар яратиш, сувга сероб қилиш ишқи билан ёнади. Шу боис ҳар йили ўлкамизда кўклам нафаси кезиши билан ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилади. Шанбаликларда кўпдан кўп дарахт ниҳоллари ўтказилади, гулзорлар, хиёбонлар, ям-яшил ҳудудлар барпо этилади. Мақсадга эришишда эса обиҳаёт алоҳида ўрин тутади.

Хўш, ой сайин обод ва кўркам бўлиб бораётган пойтахтимизда оқар сувларга қандай муносабатда бўлинмоқда? Ариқлар ва сойлар, каналлар сувини зилол ва покиза сақлаш, уларни турли заҳарли чиқинди, инсон саломатлигига хавф солувчи моддалардан қай тарзда ҳимоя қилинаётир? Қуйида ана шулар хусусида фикр юритилади.

Маълумки, она-диёримиз пойтахти ўзининг чучук сув шарқираб оқадиган ариқлари, сойлари, каналлари билан машҳур. Тошкентимизнинг қоқ белидан сокин оқиб ўтувчи анҳор ҳақида «Кумуш камар» китоби ҳам бежиз битилмаган. Ота-боболаримиз илгари ана шу сойлардан тоза ичимлик суви манбаи сифатида фойдаланишган. Уларнинг доимо тоза ва покиза бўлишини таъминлашга эришишган. Эндиликда-чи? Замон ўзгарди, дея баъзилар лоқайдлигимиз,табиат олдидаги гуноҳларимизни ҳаспўшлашга уринишади. Аслида гап биров ариққа мағзава тўкаётганда, бирор корхона чиқиндиларини оқизаётганда ёки ахлат ағдараётганда ўзимизни кўрмаганликка солиб индамай ўтиб кетадиган одатми, иллат деймизми — хуллас, шунга ўхшаш камчиликлардан ҳали қутула олмаганимизда бўлса керак. Бўлмаса, сув қирғоғига молхона, товуқхона, чўчқахона ёки ҳожатхона қурилиб қолармиди?! Қаерда ва кимлар дейсизми? Далилларга мурожаат этайлик.

Пойтахтимиз туманларидаги сув ҳавзалари бўйлаб ҳамкорликдаги рейдимиз якуни шуни кўрсатдики, гарчанд Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 12 февралда «Уйжой, архитектура, шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқарилган бўлса-да, уни бажаришга ҳамма жойда ҳам бирдек муносабатда бўлиняпти, деб айтишга ҳали эрта. Салор, Қорасув, Толариқ, Баротхўжа ва бошқа каналлар қирғоқларини кузатганингиздан кейин ана шундай фикрга борасиз. Хусусан, «Оқ-йўл» кўчаси 16-уйда анчагина хонадон яшайди. Улар ноқонуний равишда Салор бўйига (Миробод тумани) 6 метр майдонни ишғол қилган, паррандахона ва ҳожатхона, 106-уйда яшовчи Р.Ашурохунов эса ҳожатхона қуриб олишган. «Фарғона йўли» кўчаси 22-уйда истиқомат қилувчи Пўлатовлар оиласи, 34-уй эгаси Бараев, 40-уй соҳиби Б.Муродов, 50-уйдан Комиловлар «Қорасув» канали соҳилига товуқхона ва молхона тиклаб қўйишибди. А.Фитрат кўчасидаги 85,89,91 ва 99-уйлар эгалари эса канал қирғоғига яқин жойда ноқонуний қурилишлар қилиб, оқаваларни сувга оқизишмоқда. Баротхўжа каналининг бир неча ерига шох-шабба ва турли чиқиндилар ташланган.

Аҳоли зич жойлашган Собир Раҳимов туманида ҳам канал ва сойлардаги оби-ҳаётни ифлослантириш, уларга зарарли оқава ёки ташландиқ сувларни оқизишга мустаҳкам тўсиқлар қўйишга шошилишмаяпти. Туман ҳудудидан ўтадиган Қорақамиш, Кайковус, Қичқириқ ва Дамаши каналлари шундоққина ёнгинасига тўкилган чиқинди-ахлатларни кўриб, дилингиз хира тортади, кўнглингиз бузилади. Қорақамиш 2/1 мавзесида жойлашган 37-савдо дўкони мутасаддилари ҳеч тап тортмасдан канал бўйига пивохона ва ҳожатхона қуришганини қандай изоҳлаш мумкин. Шу мавзедаги 191-мактаб ёнидан оқиб ўтадиган канал қирғоқларининг 100 метрдан ортиқроғига чиқиндилар ташланавериб, тепаликка айланиб қолганига нима дейсиз?

(Давоми 4-бетда).

Мамлакатимизнинг энг йирик саноат марказларидан бири -Навоий вилояти Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Шу азиз Ватан - барчамизники» республика фестивалининг навбатдаги қатнашчиси бўлди.

— Навоий вилояти бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти саноат базасининг муҳим қисмидир, деди, фестивални очар экан, Бош вазир ўринбосари А.Исаев. Вилоят меҳнаткашлари иқтисодиётимизни юксалтиришга, мамлакатимиз халқаро хўжалик муносабатларининг янада фаол иштирокчисига айланишига катта ҳисса қўшмоқда.

Мустақиллик йилларида вилоят аҳли эришган меҳнат зафарлари катта фотокўргазмада ўз аксини топган. Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Навоийцемент», «Электрохимзавод», «Қизилқумцемент» каби саноат гигантлари нафақат мамлакатимизда, балки узоқ хорижда ҳам машҳур. Кўргазмада уларнинг маҳсулоти намуналари намойиш этилмоқда.

Шунингдек, бу ердан Навоий кон-металлургия комбинатининг цехларидан бирида ишлаб чиқарилаётган тилла буюмлари ўрин олган. Трикотаж маҳсулотлари билан истеъмолчиларга яхши маълум «Агама» қўшма корхонаси ҳам ўз маҳсулотлари экспозициясини тақдим этмоқда.

Навоийлик таниқли рассомлар М.Алиев, В.Бурляев, Н.Вяткин ва бошқаларнинг асарлари вилоят санъатининг юксак савиясидан далолат беради. Бу ажойиб суратларда вилоят меҳнаткашлари ҳаёти, нафақат фойдали қазилмалар, балки ақлли, меҳрибон, иқтидорли, мамлакатнинг янги кунини, келажагини бунёд этаётган инсонларга бой ўлканинг гўзаллиги акс этган.

Суратларда: фестивалдан лавҳалар. А. РИҚСИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Она Ватан мадҳи

Азал-азалдан ўзбекнинг бетакрор санъати дунё халкларини ўзига ошуфта этиб келган. Зотан, Ўзбекистон — истеъдодлар юрти. Неча бор эътироф этилган, тан олинган ушбу ҳақиқат республика енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ташаббуси билан сўлим Чимён тоғлари бағрида жойлашган «Бахт» оромгоҳида ўтказилган оилавий-бадиий жамоалар ўртасидаги I республика кўрик-танлови беллашувларида яна бир бор ўз ифодасини топди.

«БАХТ»ДА САНЪАТ БАЙРАМИ

Тадбир чин маънода катта санъат байрамига айланди. Ўйин-кулгу, шўх куй-қўшиқлар кўнгиллардаги мамнунлик тажассуми бўлиб юз-кўзларда акс этди. Чимённинг бетакрор, гўзал табиати карнай-сурнай садолари остида ўзбекона меҳмондўстлик билан қарши олинган иштирокчилар — мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ўз иқтидорини намойиш этиш иштиёқида ташриф буюрган санъатсеварлар илҳомига илҳом бағишлади. Ҳа, кўрик-танлов ана шундай хуш кайфият ила бошланди.

— Комил ишонч ила айта оламанки, бугун мағлублар бўлмайди - деди тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Маъмура Одилова. Бинобарин, ўрнатилажак ҳамкорлик, дўстлик-биродарлик ришталари бир умрликдир,чунки халқ саънати абадий.

Кўрик-танловни Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари — Ибрагимовлар оилавий-бадиий жамоаси бошлаб берди. «Ташриф» деб номланган биринчи босқич шартига кўра иштирокчилар 5 дақиқа мобайнида ўз вилояти ёхуд шаҳри тарихини, унинг ўзига хос жиҳатларини, шунингдек, оила шажарасини юксак бадиий тарзда кўрсатиб беришлари лозим эди. Таъкидлаш лозимки, Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари вакиллари бу вазифани аъло даражада уддалашди.

«Дилда қувонч ўйнайди» дея номланган иккинчи босқичда эса жамоалар раққослик маҳоратларини намойиш этдилар. Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва пойтахтликларнинг чиқишлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланган бўлса, бухоролик 14 ёшли Гулноза Қаршиева ижро этган рақс композицияси барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Навбатдаги босқичда фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир этувчи баъзи оилавий муаммолар, иллатлар, фожиавий кўринишлар зўр маҳорат билан очиб берилди. Айниқса, Шаҳрисабз шаҳридаги «Кумуш» Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ҳиссадорлик жамияти ишчилари — Ибодуллаевлар оиласининг театрлаштирилган чиқишлари танланган мавзунинг долзарблиги, ижро маҳорати жиҳатидан бошқалардан ажралиб турди.

«Қалбим жўшиб қўшиқ куйлайман». Дарҳақиқат, бу босқичда танлов қатнашчилари дилдан жўшиб, қалбдан қўшиб куйладилар. Юраклари қўшиқчиликка бўлган муҳаббат ила лиммо-лим ёш хонандалар — Тошкент вилояти вакили Мирижод Миркомилов, қашқадарёлик Ҳамидулла Ибодуллаев, пойтахтлик Заҳро Раҳматоваларнинг хонишларини пурвиқор-мағрур тоғлар-да бош эгиб, жим тинглади, гўё. Хоразмлик ҳамда сурхондарёликлар ижросидаги халқона, шўх куй-қўшиқлар ҳам томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

...Кун поёнига етиб, бобоқуёш ўз ётоғига бош қўяр чоғи ғолиб ва совриндор жамоалар аниқланди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан олий ўринга — Қашқадарё вилояти, 1-ўринга — Сурхондарё вилояти, 2-ўринга — Бухоро ва Самарқанд вилоятлари, 3-ўринга — Андижон, Наманган ҳамда Хоразм вилоятлари жамолари муносиб кўрилди. Уларга тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Шу билан бирга, «Энг ёш иштирокчи», «Энг кекса иштирокчи», «Энг яхши актёрлик маҳорати учун», «Миллий ижрочилик маҳорати учун» каби махсус совринлар ҳам ўз эгаларини топди.

Биз танлов якунида иштирокчилардан таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрадик.

Ҳамидулла Ибодуллаев, Қашқадарё вилояти:

— Қўшиқ айтиш жону дилим. Келажакда санъаткор бўлиш ниятим бор. Айни пайтда Шаҳрисабздаги санъат саройида устозим Алижон Норбобоев раҳбарлигида рубоб мутахассислиги бўйича таълим олмоқдаман. Айтганча, кўрик-танловнинг баҳаво Чимён тоғлари гўшасида ташкиллаштирилгани айни муддао бўлди.

Мирижод Миркомилов, Тошкент вилояти:

— Мумтоз қўшиқчиликка ҳавас қўйишимга отам, Қибрай маданият саройи қошида фаолият кўрсатаётган «Қизил шалола» гуруҳининг бадиий раҳбари Мухтор Миркомилов сабабчидир. У кишининг сабоқлари, ўгитлари боис секин-аста ютуқларни ҳам қўлга киритяпман. Хусусан, 28-30 июн кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашаман.

Азиза Эргашева, Навоий вилояти:

— Мен Конимех туман газ бошқармасида ёрдамчи ҳисобчи бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим ҳам шу ташкилотда меҳнат қилади. Билсангиз, вилоятимизга бой таассуротлар билан қайтмоқдамиз. Сўлим тоғлар бағрида ўйнаб-кулдик, дўсту-қадрдонлар орттирдик. Менимча, бундан ортиқ ютуқ бўлмаса керак.

Моҳинур ва Камола Қаюмовалар, Сурхондарё вилояти:

— Келажакда биримиз раққоса, биримиз хонанда бўлмоқчимиз. Шу иштиёқ сабаб ушбу танловга келиб адашмаган эканмиз. Чунки аввал Бойсундаги каби чиройли тоғлар борлигини билмасдик. Энди билсакки, Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшаси гўзал экан.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

МИНИ ФУТБОЛ ЖОЗИБАСИ

Тошкент вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси Чирчиқдаги «Олмос» спорт саройида тармоқ ходимлари спартакиадасининг якуний босқичини ўтказди. Унда туман, шаҳар ва ҳудудий босқичларда муваффақият қозонган спортчилар ўзаро беллашдилар.

— Бундай мусобақалар соҳа ходимларини оммавий спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга кўпроқ жалб этишга хизмат қилади, - дейди вилоят тармоқ қўмитаси раиси Ш.Йўлдошев. - Қолаверса, «Она ва бола» Давлат дастури ҳамда жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги Қонун талабларини амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Спартакиада натижаларига кўра, эркаклар мини футболи мусобақасида Паркент тумани жамоаси, аёллар ўртасида ўтказилган волейбол баҳсларида Олмалиқ шаҳри спортчилари, миллий кураш бўйича тўрт вазн тоифасида беллашувларда Бекобод шаҳар, Қуйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ тумани полвонлари ғалаба қозониб биринчиликни қўлга киритдилар.

Оилавий мусобақада эса паркентлик Киршинлар шоҳсупадан ўрин олди.

Ғолибларга вилоят тармоқ қўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ф. ДАВЛАТОВ.

Ўзбекистон кубоги

КИМ КУЧЛИ: «НЕФТЧИ»МИ ЁКИ «ПАХТАКОР?»

Буни Тошкентда бўладиган баҳсдан сўнг билиб оламиз

Ҳаммаси гўё олдиндан ёзиб қўйилган сценарий асосида юз берди. Икки ҳафта муқаддам Қаршида «Насаф» ва «Пахтакор», Фарғонада «Нефтчи» ва «Бухоро» жамоалари ўртасида ярим финал учрашувларининг биринчисида қайд этилган натижа охир-оқибат финал қатнашчиларини аниқлаб беришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини амалда кўрдик.

Тан олиш керак, «Нефтчи» илк учрашувдаёқ ўз ўйини ва ҳисобга кўра (3:0) ҳар жиҳатдан «Бухоро»дан устун эканлигига шубҳа қолдирмаган бўлса, «Пахтакор» меҳмонда тўп сурганлигига қарамай анчайин мазмунли хатти-ҳаракатлари билан қаршиликлар олдига ечими анча мушкул бўлган муаммоларни кўндаланг қўйиб, жавоб учрашувида бўш келмаслигидан дарак бергандек эди. Шундай бўлди ҳам. Гарчанд ҳужумкорлик бобида муҳлисларини хушнуд эта олмаган эса-да, ўз навбатида рақиб хуружларини даф этиш учун жиддий ҳозирлик кўрганлигини намойиш этди. Бир сўз билан айтганда, дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди. Биринчи учрашувда дурангга эришган (2:2) «Пахтакор» учун бу ғалаба билан тенг эди. Яъни, ўзга майдонда киритилган тўплар ўз ишини қилди ва гоҳо вазмин ҳисоб-китоблар ҳам жамоага асқотишини исботлади.

Шундай қилиб ҳадемай Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида айни пайтда таркиб жиҳатидан энг кучли жамоалар ўзаро баҳсда янги асрнинг илк Кубок соҳибини аниқлаб оладилар. Шубҳасиз, бу ўйинга мутахассислар ва мухлислар ўртасида ҳам қизиқиш катта. Бунинг сабаблари кўп. Энг аввало, у мамлакат чемпионатидаги кучлар нисбатига бевосита бўлмаса-да, бавосита таъсир ўтказади. Айниқса, руҳий жиҳатдан. Қолаверса, футбол мутасаддилари августда бошланадиган жаҳон чемпионати саралаш баҳслари иккинчи — ҳал қилувчи босқич олдидан майдонда терма жамоа таркибида тўп сурадиган номзодларни ҳам яна бир карра назардан ўтказиш имконига эга бўладилар.

Дарвоқе, мухлислар бу қизиқарли учрашувга қадар мамлакат чемпионати биринчи давра ўйинларига якун ясалишига шоҳидлик қилишга улгурадилар. У 20 ва 23 июнда бўладиган 17-ва 18-тур ўйинлари билан ниҳоясига етади. Айниқса, эртанги баҳслар шиддатли кечиши кутилмоқда.

Ёз — футбол ҳарорати ҳам кўтарилган қизғин палла. Умид қиламизки, мухлислар куз фаслида олинган ҳосилдан ҳар қачонгидан-да мамнунлик изҳор этадилар. Бунинг учун бугун барча имкониятлар мавжуд.

З.РИХСИЕВ.

КАФЕДРА ТАДҚИҚОТЛАРИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг менежмент кафедраси олимлари томонидан хўжалик шартномаси бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси бошқарувини такомиллаштиришга доир изланиш ҳам ниҳоясига етди. Шу жараёнда корхона фаолияти билан боғлиқ кўпгина амалий ва назарий материаллар тўпланди ҳамда умумлаштирилди.

ИЗВЕЩЕНИЕ

Открытое акционерное общество «ТЕЗКОР_СОЗ» проводит годовое общее собрание акционеров 28 июня 2001 года в 15.00 по адресу: г. Ташкент, ЮЗП, улица БИРЛИК_1

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Итоги производственно-хозяйственной и финансовой деятельности предприятия за 2000 год и задачи на 2001 год.
2. Отчет ревизионной комиссии и заключение аудиторской проверки.
3. Изменение поименного состава Наблюдательного совета.
4. Прочие вопросы.

БАЛАНС «АО ТЕЗКОР-СОЗ» НА 01.01.2001 г.

	АКТИВ	ПАССИВ
1. Долгосрочные активы	8559	
2. Оборотные активы	39329	
БАЛАНС	47888	
3. Источники собственных средств		3310
4. Обязательства		44578
БАЛАНС		47888

Наблюдательный совет

Тошкент шаҳар, Сирғали туманидаги 104-ўрта мактаб томонидан Султонов Мирсобит Миробидович номига берилган О"R-А-606335 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 104-ўрта мактаб томонидан Раҳимов Фаррух номига берилган О"Р-В-046175 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«ЎзЛИТИнефтгаз» ОФЖ жамоаси нефт ва газ заҳираларининг катта илмий ходими М.Ситдиқовга онаси **АЙПУЛАТ ая**нинг вафот этганлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Рейд

АНҲОР ЁНИДА МОЛХОНА...

(Боши 3-бетда).

196-мактаб рўпарасидаги хонадонлар эса турли чиқиндиларни ҳатто сувга ағдаришга журъат қилганларига афсусланмай иложингиз йўқ. Қорақамиш 2/5 мавзесидаги беш қаватли уйлар рўпарасидаги кўл ахлатхонага айланиб қолгани мутасаддиларнинг эътиборини тортмаётганига, одамларни ташвишлантирмаётганига хайрон қоласан киши. Шундоқ канал бўйида маҳалла қўмитасига тегишли ҳожатхона мавжудлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бунинг устига, канални турли чиқиндилардан тозалаш ишлари ҳам «ёддан кўтарилган».

Рейд жараёнида «Ўратепа» кўчаси, 43-уй рўпарасидаги канал устига қурилган кўприк гилам, палос ва бошқа маиший буюм-жиҳозларни ювиб-тозалайдиган жойга айланиб қолганининг гувоҳи бўлдик. Бобожонов кўчаси 116-уйдаги қўлбола ҳаммомдан чиқаётган оқава эса каналга тўғрилаб қўйилган.

Маълумки, Тошкентдек шаҳри азимда мамлакатимизнинг энг йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Агар улар баъзиларининг атроф-муҳит ва сой-каналларни ифлослантиришга «қўшаётган ҳиссалари»ни санайдиган бўлсак, далилларни жиддий ташвишсиз изоҳлаш қийин, албатта. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида очиқ сув ҳавзаларига яқин жойлашган хусусий хонадонлар эгалари, корхона, фабрика, муассаса раҳбарларининг ўзбошимчалик билан қатъиян ман этилган ерларга қўшимча қурилишлар қилиб, бунинг устига сувни ифлослантираётганликлари ачинарли ҳолдир. Яхшиси, далилларга мурожаат этайлик. Қорасув канали Қибрай туманидан оқиб келиб, мазкур туманнинг 7,5 километр масофадаги ҳудудини кечиб ўтган. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, унинг санитария ҳолатини сақлашдек муҳим вазифага панжа орасидан қараётганлар ҳам учраб турибди. Семашко кўчаси 99-уй соҳиблари ҳаммом, Иркутск кўчаси 29 ҳамда Баҳодир кўчаси, 3-уйдагилар ҳожатхона, душ, товуқхона чиқиндиларини каналга оқизаётганликлари ва бошқа кўнгилсиз ҳолатлар шулар жумласига киради. Туман бўйича 38 та ана шундай ачинарли манзарага шоҳид бўлганимизни беташвиш таъкидлаш мумкин эмас. Туман ҳудудидан 37,4 километрли масофани қамраб олган Салор, Қорасув, Яланғоч, Тўрт, Оққўрғон, Юзарик, Дархон каби канал, ариқлар ёқасига Тошкент вилоят ва шаҳар сув хўжаликлари бошқармалари томонидан 17 та ҳожатхона, 16 та молхона ва товуқхона, 6 та ҳаммом қонунга зид равишда қуриб олингани ҳамда 23 жойда оқава сувлар оқизилаётгани нақадар ташвишли ҳолатдир.

— Яхши эслайман, илгари мана шу ариқ ва каналлардан сув истеъмол қилардик, овқатга ишлатардик, — дейди Буюк ипак йўли кўчасида яшовчи, меҳнат фахрийси Ш.Пирмуҳамедов. — Болаларимиз билан мириқиб чўмилардик, балиқ тутардик. Уйи сувга яқинлар ариқ бўйини супуриб-сидиришар, салқинидан роҳатланишарди. Эндичи? Тўғрисини айтсам, чўмилиш у ёқда турсин ҳатто экинларни суғоришга истиҳола қиламан. Чунки унга нималар оқизилаётганидан хабардорман.

— Аввалари Бўзсувнинг бир ирмоғи бўлган Дарвозакент ариғи суви зилоллигидан аксинг кўринарди. Айни пайтда унга чиқинди, ахлат ташланаверганидан сувнинг ранги ҳам қорайиб кетган. Энг шўх болалар ҳам бу ариқда чўмилишдан қўрқадилар. Сабаби унинг таги темиру-шиша, машина балонлари-ю тунука идишларга тўлиб кетган, — дейди куйиниб Юнусобод туманидаги Зокир Обидов кўчасида яшовчи С.Маҳамадхўжаев.

Отахонларнинг фикрини кейинги икки ярим ой мобайнида пойтахт туманларида ўтказилган текширишлар яққол тасдиқлаб турибди. Чунончи, текширишларда мавжуд очиқ сув ҳавзаларига хавф солувчи 485 та ноқонуний қурилишлар аниқланган. Улар орасида 100 га яқин молхонаю товуқхона, 98 та ҳожатхона, 25 та ҳаммом ва бошқа маиший хизмат тармоқлари борлиги пойтахтимиздаги оқар сувлар нақадар муҳофазага муҳтож эканлигидан далолат беради. Тўғри, мутасадди ташкилот, идоралар рўй бераётган кўнгилсизликлар олдида қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Масалан, юқорида баён этилган аоссиз қурилишларнинг 115 таси буздириб ташланди. 20 нафар юридик шахс ва фуқаролар иши судга оширилди. Ҳатто рейд пайтида ҳам бир неча қоида бузувчилар огоҳлантирилди ва далолатномалар тузилди. Бироқ, юқорида қайд этиб ўтилган кўплаб салбий ҳолатлар ҳали бу борада белгиланган тадбирларнинг амалий натижасини кўпайтириш зарурлигини тақозо этади. Чунки, ҳаётимиз манбаи бўлган обиҳаётга бўлган муносабат келгуси авлод тўғрисида ғамхўрлик, демакдир. Яъни, муҳим вазифамиз энг улуғ неъматлардан бири — оқар сувларни тоза, зилол ва мусаффо ҳолда авлодларга қолдиришдир. Бинобарин, ота-боболаримиз қайта-қайта таъкидлаб, уқтирганларидек,сувга ҳатто туфуриш ҳам гуноҳи азимдир.

Уйғун ШОРИХСИЕВ,
Тошкент шаҳар давлат санитария-назорати маркази масъул ходими.
М.СЕЙТМАДОВ,
Р.НОСИРХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ экология ва тозаликни назорат қилиш алоҳида милиция батальони назоратчилари.
Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6